

"Problems of Architecture and Construction "

Volume 2

Issue 1 *Problems of Architecture and Construction*
2019_1

Article 5

4-21-2019

COMPOSITIONAL SOLUTIONS AND ARCHITECTURAL TIPOLOGY OF KIZBIBI KHANQAH

Ilkhom Makhmatkulov

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai>



Part of the [Architecture Commons](#)

Recommended Citation

Makhmatkulov, Ilkhom (2019) "COMPOSITIONAL SOLUTIONS AND ARCHITECTURAL TIPOLOGY OF KIZBIBI KHANQAH," *Problems of Architecture and Construction* : Vol. 2 : Iss. 1 , Article 5.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai/vol2/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in "Problems of Architecture and Construction " by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

COMPOSITIONAL SOLUTIONS AND ARCHITECTURAL TIPOLOGY OF KIZBIBI KHANQAH

Cover Page Footnote

The journal is published under the sponsorship of Samarkand State Architecture and Civil engineering
Institute

УДК: 725.731(575.1)

COMPOSITIONAL SOLUTIONS AND ARCHITECTURAL TIPOLOGY OF KIZBIBI KHANQAH

The article provides information on the origin of the architecture of Khanqah Kizbibi, presents the examples from folk stories about the composition, typology and architectural ornaments of this object. Its functional significance and modern architectural solutions, as well as the basics of effective use of the mausoleum, are given.

Key words: khanqah, architectural ornaments, solutions, mausoleum, significant, composition.

Makhmatkulov I.T., researcher

Samarkand State Architecture and Civil engineering Institute

ҚИЗБИБИ ХОНАҚОСИНИНГ КОМПОЗИЦИЯВИЙ ЁЧИМЛАРИ ВА МЕЪМОРИЙ ТИПОЛОГИЯСИ

Махматқулов И. Т., мустақил изланувчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

В статье даётся обзор зарождения архитектуры Ханака Кизбиби, представлены примеры из народных повествований о композиции, типологии и архитектурных орнаментах данного объекта. Дается её функциональная значимость и современные архитектурные решения, а также основы эффективного использования зияратгоха.

Қизбиби ёки Оғойи Бузрук аёллар хонақоси Бухоро вилоятнинг Жондор туманида, Бухоро шаҳридан 30 км ғарбда жойлашган. Майдони 0,5 гектар. Маҳаллий аҳоли орасида Қизбибига нисбат бериладиган уч ривоят мавжуд. Биринчи қадимий ривоятга кўра, Қизбиби Сулаймоннинг қизи ҳисобланади. Иккинчи ривоят бўйича, Қизбиби хонақоҳи Бухородаги Мир Араб мадрасаси билан бир пайтда, яъни XVI асрнинг 30-йилларида барпо этилган ва мадрасани қурган қурувчи томонидан Қизбибига юборилган совчилик муваффақият қозона олмаган. Учтинчи ривоят Мирзо Шариф билан Биби Шарифанинг турмуш қургани тўғрисида хабар беради. Биби Шарифа яқин орада қиз кўришини ва у қиз 14 ёшгача ота-онаси билан бирга яшашини, сўнгра ота-она уйини тарк этиб, олима бўлишини, кейин эса “Оғойи Бузрук” деган жойга бориб, у ерда Худо ва одамлар ўртасида воситачилик қилиб умргузаронлик қилишини башорат қилади. Ушбу маълумотни “Мазҳар ал-ажойиб ва мажмуа ал-ғаройиб” (Ажойиб воқеалар мажмуаси) асари муаллифи тасдиқлайди [1]. Хонақоҳнинг асосий кириш эшиги жануб томондан, пишиқ ғиштдан қурилган. Мажмуа бинолари асосан XIX аср давомида қад кўтарган ва тўрт ҳовли атрофида жойлашган. Қишги ва ёзги хоналардан ташкил топган улкан гумбазли масжид-хонақоҳ баланд бўлиб, мажмуани бирлаштириб туради (1-расм).

Унинг силлиқланган ғиштлар билан безатилган маҳобатли пештоқли олд томони

шарққа, Қизбиби мазорига қараган. Кичик пештоқли шимолий олд томони эса уч томондан хужралар билан ўралган ибодатхона ҳовлиси билан туташган. Хужраларда ўчоқсимон печ ва ташнов мавжуд бўлиб, улар зиёратчиларнинг бу ерда ўзоқ муддат истиқомат қилишига мўлжалланган. Хонақоҳнинг жанубий қисмига зиёратчиларнинг қисқа муддатли туришига мослаштирилган дарвозахонали ҳовли туташтирилган. Қибла деворда, меҳробнинг икки томони бўйлаб, шифобахш сувли қудуққа чиқадиган икки эшик ўрни бўлган. Ушбу қисмда ҳаммом ва таҳоратхона қурилгандан сўнг, эшиклар ўрни суваб ташланган [1].



1-расм. Қизбиби хонақосининг умумий кўриниши

Қизбиби мазори тахминан XVIII аср охирларида икки хилхонали этиб қурилган

мақбарага эга. Унинг ягона безакли биноси ҳисобланган айвон кейинроқ мачит-хонақоҳнинг бош пештоқига қаратилиб қурилган. Айвон ойнали ёғоч ўймакорлик услуби билан безатилган. Мақбаранинг шимолий девори олдида панжали туғ қад кўтариб турибди. Қизбиби мақбарасининг жанубида мазорга ўтишни махсус қийинлаштирадиган бир қанча иморатлар барпо этилган. Шунингдек, бу ерда илгари меҳмонхона, аёллар мачити ва ҳовличалар жойлашган. Уларнинг мақбарадан ташқари барчаси ўтган асрнинг 30-йилларида бузиб ташланган. Мақбара ва хонақоҳнинг аёлларга мўлжалланган қисмига эркаклар ҳеч қачон кирмаган. Бу одат ҳозиргача сақланмоқда. Мажмуани шимолий шарқ томондан ошхона ёки ҳалимхона ва хўжалик ҳовлиси ўраб туради. Бу ерда кўплаб ўчоқ ва тандирлар жойлашган. Шунингдек, уй-рўзғор анжомлари, жумладан, ҳалиса (ҳалим) тайёрлаш учун катта қозонлар сақланган (2-расм). Номи бизга номаълум саховатпеша шахс томонидан 1913-1914 йилларда мажмуанинг аёллар қисми ва ошхонаси қурилади. Бунинг учун мажмуа яқинида хумдон қурилиб, унда европача "салдоти" деб аталган тўғри бурчакли гиштлар пиширилган [3].



1-расм. Бухоро вилоятидаги Қиз-Биби хонақоҳи. 1-дарвозахона суфийлар мақбараси ва хизмат хоналари билан. 2- чиллахона кириш жойида тўғи билан. 3- Хўжалик ҳовлиси. 4- Ошхона. 5- Аёлларга тегишли хоналар. 6 - Қиз-Биби қабри. 7 - Мусулмонлар қабристони. 8 - Тўғ; 9 – Айвон тагидаги Қиз-Биби қабртоши; 10- Ибодатхона ҳовлиси; 11 – Хонақоҳ масжиди; 12 – Кудук; 13 – Ҳаммом; 14 – Зиёратчиларнинг ҳовлиси; 15 –Рухий касаллар учун хона. Маросимларни ўтказиш жой юлдузча билан белгиланган.

XX асрнинг 80 йиллари бошларига қадар хонақоҳнинг ярмидан кўпи кўчувчи қумлар остида қолиб кетган эди. Шунга қарамай, бу жой атроф қишлоқлар аҳолиси ўртасида зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлиб қолаверди. Таъмирлаш ишлари даврида янги ошхона қурилган. Наврўз, Рўза, Қурбон байрамлари, шунингдек, пайшанба, якшанба кунлари бу ерга кўплаб одамлар ташриф буюради. Нақшбандия тариқати маҳаллий тармоқларидан бирининг муршидаси Мастура- хоним ёки Оғойи Бузрук ушбу мансабни Шайх Шоди Ғидўти ва унинг рафиқасидан сўнг эгаллайди. У бобоси ва отаси тарафидан муршид(а)лик руҳида тарбияланади. Унинг муридлари орасида эркак ва аёллар, жумладан, Мўғул-хоним (ёки Ойша-хоним), яъни Бобурнинг опаси - Шайбонийхоннинг рафиқаси ҳам бор эди. Қизбиби ҳижрий 929 йил 16 рамазонда, милодий 1523 йил 30 июлда вафот этади.

Дарҳақиқат, дунёга келган Биби Ҳанифа исмли қиз 14 ёшида савод эгаллаб, онаси башорат қилган жойга келиб ўрнашади ва ўзини ибодат ва табобатга бағишлайди. Кунларнинг бирида у хужралардан бирига кириб, йўқолиб қолади. Аёллар ҳар жума кунини муайян бир жойга унинг учун сув, қатиқ ва тароқ олиб келишган. Қизбиби ҳеч кимга кўринмай, ювинган. Бир сўфий Қизбиби билан одамлар ўртасида воситачилик қилган. Бу сўфий кейинчалик хонақоҳ биноларининг бирида дафн қилинади. Маҳаллий аҳоли унинг руҳи ҳали ҳам шу ерда сақланиб аёлларни бепуштликдан даволаб келмоқда деб ишонишади [1].

Қизбибига даволаниш мақсадида Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон ва ватанимиздан юзлаб аёллар келиб даволаниб кетмоқдалар. Аёллар хужраларда 3 кунлик чилла туриб, намоз ўқиб кейин кетадилар. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ҳар йили ўнлаб кишилар даволаниб болалик бўлиб кетар эканлар.

Ҳозирги кунда зиёратгоҳ атрофи ободонлаштирилиб, республикамиз ва хориждан сайёҳларни жалб қилиш учун ушбу бетакрор, ўзига хос тарихга эга, афсоналар пардаси билан ўралган мажмуани кенгроқ тарғиб этиш муҳтождир.

References:

1. Yuldashyev N., Kurbanov Kh. The History of Bukhara city and its surrounding shrines. – Bukhara, 2001.
2. Sukharyeva O. Bukhara, 19th and beginning of 20th centuries. - M., 1990.
3. Pugachenkova G.A. Bukhara Khanqah// Bukhara and world culture. Vol. 2.–1994.